# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СИЁСИЙ БЮРОСИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Петр Кириллович ЛУЧИНСКИЙ



1940 йилда Молдавия ССР Флорешт районидаги Старые Радуляни шаҳрида туғилган, молдаван. 1964 йилдан КПСС аъзоси. Фалсафа фанлари номзоди. Кишинев давлат университетини ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги сиртқи олий партия мактабини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда бошлаган. Комсомол ишида ишлаган: шаҳар комсомол комитетининг биринчи котиби, Молдавия ЛКСМ Марказий Комитетининг бўлим мудири, дастлаб иккинчи, кейин биринчи котиби бўлган. 1971 йилдан Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг котиби, 1976 йилдан Кишинев шаҳар партия комитетининг биринчи котиби. 1978-1986 йилларда — КПСС Марказий Комитети Тарғибот бўлими мудирининг ўринбосари. 1986-1989 йилларда — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби. 1989 йилдан бошлаб Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби.

1989 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. СССР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Абсамат Масалиевич МАСАЛИЕВ



1933 йилда Ўш вилояти, Фрунзе районидаги Алиш қишлоғида туғилган, қирғиз. 1960 йилдан КПСС аъзоси. Москва кончилик институтини, Олмаота олий партия мактабини тамомлаган. Кон инженери. Меҳнат фаолиятини 1956 йилда бошлаган, «Киргизуголь» шахтасида ва трестида инженерлик лавозимларида ишлаган.

1961 йилдан бошлаб партия ва совет ишларида ишламоқда. Фрунзе шаҳар партия комитетининг биринчи котиби, шаҳар ижроия комитетининг раиси, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг бўлим мудири, котиби бўлган. 1979-1985 йилларда — Исиққўл вилоят партия комитетининг биринчи котиби. Кейин КПСС Марказий Комитетининг инспектори бўлиб ишлаган. 1985 йил ноябрь ойидан бошлаб — Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби. Қирғизистон ССР Олий Советининг Раиси.

1986 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. СССР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Қаҳҳор МАҲКАМОВ



1932 йилда Тожикистон ССРнинг Ленинобод шаҳрида туғилган, тожик. 1957 йилдан КПСС аъзоси. Ленинград кончилик институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1953 йилда шахта вентиляцияси бошлиғи вазифасидан бошлаган. Участка бошлиғи, шахта бош инженери, бошлиғи, кон бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаган. 1961 йилдан — Ленинобод шаҳар ижроия комитетининг раиси, кейинроқ — Тожикистон ССР Давлат план комитетининг раиси, айни пайтда 1965 йилдан бошлаб Тожикистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган. 1982 йилда Тожикистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси этиб тайинланган. 1985 йилдан — Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби. Тожикистон ССР Олий Советининг Раиси.

1986 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. СССР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Владимир Мигранович МОВСИСЯН



1933 йилда Арманистон ССР Спитак районидаги Шенаван қишлоғида туғилган, арман. 1961 йилдан КПСС аъзоси. Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди. Ереван зооветеринария институтини ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1952 йилда қишлоқ клубининг мудири вазифасидан бошлаган. Институтдаги ўқишни тамомлаганидан кейин Арманистон қишлоқ хўжалик ташкилотларида ўз мутахассислиги бўйича ишлаган. 1969-1975 йилларда район партия комитетининг котиби, Компартия Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари. Район партия комитетининг биринчи котиби, Компартия Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири. 1978 йилдан Арманистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, 1984 йилдан эса Арманистон ССР Министрлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари — жумҳурият Давлат деҳқончилик-саноат комитетининг раиси. 1990 йил апрель ойида Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланган.

Партия XXVIII съездида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси этиб сайланган. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Аёз Ниёзий ўғли МУТАЛИБОВ



1938 йилда Боку шаҳрида туғилган, озарбайжон. 1963 йилдан КПСС аъзоси. М. Азизбеков номли Озарбайжон нефть ва химия институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1958 йилда гидротехника ва мелиорация илмий-тадқиқот институтининг катта техник-конструктори вазифасидан бошлаган. Кейин Бокудаги холодильниклар ва рўзғор машиналари ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб, мастерликдан бош директор лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтган. 1977 йилдан — Боку шаҳрида район партия комитетининг иккинчи котиби, 1979 йилдан — Озарбайжон ССР маҳаллий саноат министри, 1982 йилдан Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, жумҳурият Давлат план комитетининг раиси. 1989 йилда Озарбайжон ССР Министрлар Советининг Раиси этиб тайинланган. 1990 йилда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. Озарбайжон ССР Президенти.

Партия XXVIII съездида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси этиб сайланди. СССР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Нурсултон Абишевич НАЗАРБОЕВ



1940 йилда Олмаота вилояти Каскелен районидаги Чемолган қишлоғида туғилган, қозоқ. 1962 йилдан КПСС аъзоси. Қарағанда металлургия комбинати ҳузуридаги завод-олий техника ўқув юртини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги сиртқи олий партия мактабини тамомлаган. Инженер-металлург. Меҳнат фаолиятини 1960 йилда домна цехининг босқончиси вазифасидан бошлаган, металлургия комбинати партия комитетининг котиби этиб сайланган.

1977 йилдан Қарағанда вилоят партия комитетининг котиби, иккинчи котиби, 1979 йилдан Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби. 1984-1989 йилларда — Қозоғистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси. 1989 йилдан Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби. Қозоғистон ССР Президенти. 1982 йилдан 1986 йилгача —КПСС Марказий тафтиш комиссиясининг аъзоси, 1986 йилдан бошлаб эса КПСС Марказий Комитетининг аъзоси.

СССР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Сапармурод Отаевич НИЁЗОВ



1940 йилда Ашхобод шаҳрида туғилган, туркман. 1962 йилдан КПСС аъзоси. Ленинград политехника институтини ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги сиртқи олий партия мактабини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилда геология-қидирув ишлари ишчилари касаба уюшмаси Туркманистон территориал комитетининг инструктори вазифасидан бошлаган. 1967 йилдан — Безмеин ГРЭСи цехининг мастери, катта мастери. 1970 йилдан партия ва совет ишларида ишламоқда. Туркманистон Компартияси Марказий Комитети Саноат-транспорт бўлимининг мудири, Ашхобод шаҳар партия комитетининг биринчи котиби бўлган, КПСС Марказий Комитети аппаратида, кейин Туркманистон ССР Министрлар Кенгашининг Раиси лавозимида ишлаган. 1985 йилдан — Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби. Туркманистон ССР Олий Советининг Раиси.

1986 йилдан бошлаб КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. СССР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Иван Кузьмич ПОЛОЗКОВ



1935 йилда Курск вилояти Солнцево районидаги Лешч-Плота қишлоғида туғилган, рус. 1958 йилдан КПСС аъзоси. Бутуниттифоқ молия-иқтисод сиртқи институтини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги сиртқи олий партия мактабини ва Ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган. Мутахассислиги — иқтисодчи. 1954-1957 йилларда Совет Армиясида хизмат қилган. 1957 йилдан — Курск вилоятида колхозчи. 1958 йилдан комосомол, совет ва партия ишларида ишлаб келмоқда. Курск вилоятида ВЛКСМ район комитетининг дастлаб иккинчи, кейин биринчи котиби, район партия комитетининг котиби, кейин иккинчи котиби, район ижроия комитетининг раиси, КПСС район комитетининг биринчи котиби бўлган. Бир қанча йиллар мобайнида КПСС Марказий Комитети аппаратида ишлаган. 1983 йилдан —КПСС Краснодар ўлка комитетининг котиби, 1985 йилдан — биринчи котиби, 1990 йилдан — халқ депутатлари Краснодар ўлка Советининг раиси. 1990 йил июнь ойидан — РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби.

1986 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. РСФСР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Юрий Анатольевич ПРОКОФЬЕВ



1939 йилда Қорақалпоғистон АССРнинг Мўйноқ шаҳрида туғилган, рус. 1960 йилдан КПСС аъзоси. Москва автомеханика институтини ҳамда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги сиртқи олий партия мактабини тамомлаган. Иқтисодиёт фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1957 йилда Москва шаҳридаги мактабда бош пионервожатийликдан бошлаган. 1959 йилдан комсомол ва партия ишида ишлаган. Москва шаҳридаги Биринчи май райони комсомол комитетининг биринчи котиби, КПСС Москва шаҳар комитетининг инструктори, кейинроқ бўлим мудирининг ўринбосари. Москва шаҳридаги КПСС Куйбишев район комитетининг котиби, биринчи котиби бўлган. 1985 йилдан — Москва шаҳар партия комитетининг бўлим мудири. 1986 йилдан — Москва шаҳар ижроия комитетининг котиби. 1988 йилда Москва шаҳар партия комитетининг котиби, иккинчи котиби этиб сайланган. 1989 йилдан — КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи котиби.

Партия XXVIII съездида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси этиб сайланган. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Алфредс Петрович РУБИКС



1935 йилда Латвия ССРнинг Даугавпилс шаҳрида туғилган, латиш. 1958 йилдан КПСС аъзоси. Рига политехника институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1954 йилда Рига электр машинасозлиги заводи смена мастерлигидан бошлаган.

1959 йилдан комсомол, совет ва партия ишида. Латвия ЛКСМ Марказий Комитетининг котиби бўлган, сўнгра Латвия Компартияси Марказий Комитети аппаратида ишлаган. 1976 йилдан Латвия Компартиясининг Рига шаҳар Ленинград район комитетининг биринчи котиби. 1982 йилдан — Латвия ССР маҳаллий саноат министри. 1984 йилдан халқ депутатлари Рига шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси. 1990 йил апрелида Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланган.

Партия XXVIII съездида КПСС Марказий Комитети аъзоси этиб сайланган. СССР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Галина Владимировна СЕМЕНОВА



1937 йилда Смоленск шаҳрида туғилган, рус. 1965 йилдан КПСС аъзоси. Иван Франко номли Львов давлат университетини ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган, фалсафа фанлари номзоди. 1959 йилдан Одесса вилоят ёшлар газетасида адабий ходим, бўлим мудири бўлиб, сўнгра Украина ЛКСМ Марказий Комитети «Комсомольская искра» газетасининг бўлим мудири бўлиб ишлаган. 1965 йилдан — ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Комсомольская жизнь» журнали адабий ходими, бўлим мудири, редакциянинг масъул котиби, 1974 йилдан эса — бош муҳаррири. 1981 йил 1 январидан «Крестьянка» журналининг бош муҳаррири.

Партия XXVIII съездида КПСС Марказий Комитети аъзоси этиб сайланди. Марказий Комитетнинг 1990 йил июль Пленумида КПСС Марказий Комитетининг котиби этиб сайланди. СССР халқ депутати. Давлат мукофотлалари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Энн-Арно Аугустович СИЛЛАРИ



1944 йилда Таллинн шаҳрида туғилган, эстон. 1972 йилдан КПСС аъзоси. Каунас политехника институтини тамомлаган, меҳнат фаолиятини 1967 йилда Эстония ССРдаги «Кейла» фабрикасида мастер ёрдамчиси бўлиб ишлашдан бошлаган. Кейин шу корхонада катта мастер, ишлаб чиқариш бошлиғи, бош инженер ўринбосари бўлиб ишлаган. 1974 йилдан — Таллинн шаҳридаги Ленин район партия комитети бўлим мудири, Эстония Компартияси Марказий Комитети инструктори, сектор мудири, инспектори, бўлим мудирининг ўринбосари. 1981 йилдан КПСС Марказий Комитети аппаратида ишлаган. 1984 йилдан Эстония Компартияси Тарту шаҳар комитетининг биринчи котиби, 1986 йилдан — Эстония Компартияси Таллинн шаҳар комитетининг биринчи котиби. 1989 йилда Эстония Компартияси Марказий Комитетининг котиби, 1990 йилда — Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланган.

Партия XXVIII съездида КПСС Марказий Комитетига аъзо қилиб сайланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Ефрем Евсеевич СОКОЛОВ



1926 йилда Белоруссия ССРнинг Могилев вилоятидаги Ревячино қишлоғида туғилган, белорус. 1955 йилдан КПСС аъзоси. Белоруссия қишлоқ хўжалик академиясини, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини ишчи сифатида бошлаган, сўнгра Совет Армиясида хизмат қилган. 1956 йилдан МТС бош агрономи, директори бўлиб ишлаган. 1958 йилдан Қозоғистонда ва Белоруссияда партия ва касаба уюшмалари ишида бўлган. Район партия комитетининг иккинчи, биринчи котиби, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба уюшмаси Брест вилоят комитетининг раиси бўлган. 1969 йилдан — Белоруссия Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирининг ўринбосари, бўлим мудири. 1977 йилдан — Брест вилоят партия комитетининг биринчи котиби. 1987 йилдан Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби.

1981 йилдан КПСС Марказий Комитети аъзолигига номзод, 1986 йилдан эса КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. СССР халқ депутати. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Егор Семенович СТРОЕВ



1937 йилда Орёл вилоятининг Хотинец районидаги Дудкино қишлоғида туғилган, рус. 1958 йилдан КПСС аъзоси. И. В. Мичурин номли мева-сабзавот институтини ҳамда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини тамомлаган, агроном-олим.

Меҳнат йўлини 1955 йилда Орёл вилоятининг Хотинец районидаги «Прогресс» колхозида бошлаган. 1963 йилдан колхоз-совхоз ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитети котибининг ўринбосари, партком, бўлим мудири, район партия комитетининг котиби. 1970 йилдан — район ижроия комитетининг раиси, Покровск район партия комитетининг биринчи котиби, 1973 йилдан КПСС Орёл вилоят комитетининг котиби. 1984 — 1985 йилларда КПСС Марказий Комитетининг инспектори бўлиб ишлаган. 1985 йилдан КПСС Орёл вилоят комитетининг биринчи котиби. 1989 йилдан КПСС Марказий Комитетининг котиби.

1986 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. СССР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Иван Тимофеевич ФРОЛОВ



1929 йилда Липецк областидаги Доброе районининг Доброе қишлоғида туғилган, рус. 1960 йилдан КПСС аъзоси. Фалсафа фанлари доктори, профессор, СССР Фанлар академиясининг академиги. М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини Улуғ Ватан уруши йилларида бошлади. 1952 йилдан нашриётнинг кичик муҳаррири. 1956 йилдан «Вопроси философии» журнали редакциясининг маслаҳатчиси, бўлим мудирининг ўринбосари, масъул котиби. 1962 йилдан «Проблеми мира и социализма» журналининг маслаҳатчи редактори, редакция масъул котибининг ўринбосари. 1965 йилдан КПСС Марказий Комитети котибининг ёрдамчиси. 1968 йилдан «Вопроси философии» журналининг бош муҳаррири, 1977 йилдан эса «Проблеми мира и социализма» журналининг масъул котиби, таҳрир ҳайъатининг аъзоси. 1979 йилдан СССР Фанлар академияси институтларида илмий иш олиб боради. 1986 йилдан «Коммунист» журналининг бош муҳаррири. 1987 йилдан КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ёрдамчиси. 1989 йилдан «Правда» газетасининг бош муҳаррири. 1989—1990 йилларда — КПСС Марказий Комитетининг котиби.

1986 йилдан КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. СССР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Олег Семенович ШЕНИН



1937 йилда Волгоград вилоятининг Владимирская пристанида туғилган, рус. 1962 йилдан КПСС аъзоси. Красноярск кон техникумини, Томск инженерлик-қурилиш институтини ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини тамомлаган. Қурувчи-инженер.

1955 йилда Красноярск ўлкаси қурилишларида ишлай бошлайди. Бу ерда ишбошидан қурилиш тресті бошқарувчисигача бўлган йўлни босиб ўтади. 1974 йилдан партиявий ишда: КПСС Ачинск шаҳар комитетининг биринчи котиби, Хакасия вилоят комитетининг иккинчи котиби, Красноярск ўлка комитетининг котиби, Хакасия вилоят комитетининг биринчи котиби. 1987 йилдан КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи котиби, 1990 йилдан—халқ депутатлари Красноярск ўлка Советининг раиси.

Партия XXVIII съездида КПСС Марказий Комитети аъзоси қилиб сайланган, Марказий Комитетнинг 1990 йил июль Пленумида КПСС Марказий Комитетининг котиби этиб сайланди. СССР халқ депутати. Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси

## Геннадий Иванович ЯНАЕВ



1937 йилда Горький вилоятининг Перевоз районидаги Перевоз қишлоғида туғилган, рус. 1962 йилдан КПСС аъзоси. Горький қишлоқ хўжалик институтини ва Бутуниттифоқ сиртқи ҳуқуқ институтини тамомлаган, тарих фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1959 йилда Горький вилоятидаги тракторлар ремонти станциясининг механизациялашган отряди бошлиғи сифатида бошлайди. 1963 йилдан комсомол ишида: ВЛКСМ Горький қишлоқ вилоят комитетининг иккинчи котиби, Горький вилоят комсомол комитетининг иккинчи, биринчи котиби. 1968 йилдан СССР ёшлар ташкилоти комитетининг раиси, сўнгра Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари уюшмаси президиуми раисининг ўринбосари. 1986 йилдан касаба уюшмалари ишида: ВЦСПС котиби, раис ўринбосари, 1990 йилдан ВЦСПС раиси.

Партия XXVIII съездида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси этиб сайланган, Марказий Комитетнинг 1990 йил июль Пленумида КПСС Марказий Комитетининг котиби қилиб сайланган. СССР халқ депутати Давлат мукофотлари билан тақдирланган.

# ИНСОНПАРВАР, ДЕМОКРАТИК СОЦИАЛИЗМ САРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

зумига ёки казармачилик тартибларига қайтармоқчи бўлган, тартибсизлик ва фуқаролар мухолифлигига, миллатлар ва халқларни пароканда қилишга судрамоқчи бўлган кучларга қарши ҳаракат қилади.

Съезд социалистик йўл доирасида ижтимоий системани янгилашга қаратилган изчил сиёсатни гуллаб-яшнайдиган ва эркин жамиятга олиб борадиган ҳаракат замонавий стратегиясининг ва инқироздан чиқиш тактикасининг негизи, деб ҳисоблайди.

## БИЗ ҚАНДАЙ ЖАМИЯТГА ИНТИЛЯПМИЗ

Қайта қуриш сиёсатининг моҳияти ҳукмронлик-бюрократик тузумидан инсонпарвар, демократик социализм жамиятига ўтишдан иборат. Бу — муносиб турмушга, мамлакат моддий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришга олиб борадиган гарчи қийин бўлса ҳам, аммо бирдан-бир тўғри йўлдир.

КПСС социализмга ёт бўлган ҳамма нарса билан алоқани узиш билан бирга Октябрнинг олий мақсадларини инкор қилишни, совет халқининг инқилобий ғалабаларига менсимай қарашни рад этади. Мамлакатимизнинг ўтмишида, бир томондан, сталинизм ва турғунлик юзага келтирган ҳодисаларни, иккинчи томондан, СССР халқларининг ҳақиқий ютуқларини бир-биридан аниқ фарқлаш керак. Партия ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлилар барча авлодларининг бунёдкорлик меҳнати ва фидокорлигига, уларнинг Ватан манфаатлари йўлидаги жонбозлигига муносиб баҳо беради. Биз жуда аёвсиз синовлар йилларида халқ берган қурбонлар хотирасини муқаддас билиб ардоқлаймиз.

КПСС социализм назарияси ва амалиётига ижодий ёндашув тарафдоридир, уларни XX асрнинг тарихий тажрибасини, Маркс, Энгельс, Лениннинг ақидапарастларча талқинлардан холи меросини амалий идрок этиш йўлида ривожлантириш тарафдоридир. Биз инсоният ақл-заковатининг энг яхши ютуқларидан, самарали хўжалик юритишнинг дунёда орттирилган тажрибасидан, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, демократия тартиб-қоидаларини ривожлантириш тажрибасидан фойдаланиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

КПСС социалистик йўл ва коммунистик истиқбол партиясидир. Биз бу истиқболни маърифат тараққиётининг табиий тарихий йўналиши деб биламиз. Партиянинг ижтимоий мақсади башарий маданиятнинг инсонпарварлик негизларини, яхшироқ турмушга ва ижтимоий адолатга азалий интилишни ўз ичига олади.

Бизнинг тушунчамиздаги инсонпарвар демократик социализм шундай бир жамиятдирки, унда:

— инсон ижтимоий тараққиётнинг мақсадидир; унинг учун замонавий маърифатга муносиб турмуш ва меҳнат шароитлари яратилади; инсоннинг сиёсий ҳокимиятдан, ўзи яратган моддий ва маънавий бойликлардан бегоналашувига барҳам берилади, унинг ижтимоий жараёнларга фаол қўшилиши таъминланади;

— мулкчилик ва хўжалик юритишнинг хилма-хил шакллари асосида меҳнаткашлар ишлаб чиқаришнинг хўжайинларига айланиши, серунум меҳнатга астойдил интилиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, табиатдан оқилона фойдаланилиши учун энг яхши шароит таъминланади; ижтимоий адолатга ва меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимояланишига кафолат берилади;

— халқнинг мустақил хоҳиш-иродаси ҳокимиятнинг бирдан-бир манбаидир; жамият назорати остидаги давлат ижтимоий мавқеидан, жинси ва ёшидан, миллати ва динидан қатъи назар инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, шон-шарафи ва қадр-қиммати ҳимоя қилинишига кафолат беради; қонун доирасида ишловчи барча ижтимоий-сиёсий кучларнинг эркин мусобақалашуви амалга оширилади.

Бу — шундай бир жамиятдирки, у халқлар ўртасида тинч ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, ҳар бир халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш учун изчиллик билан курашади.

## II. КПССнинг ҳаракат дастури

КПССнинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш инқирозга қарши шошилинч чора-тадбирларни ҳам, шунингдек жамиятни ҳар томонлама ўзгартиришга оид узоқ муддатли сиёсатни ҳам амалга оширишни тақозо этади. КПСС бу мақсадларга сиёсий усуллар билан, коммунистларнинг, шу жумладан Советларда, бошқа давлат органларида ва жамоат ташкилотларида ишлаб турган коммунистларнинг онгли, баҳамжиҳат иноқ ҳаракатлари билан, қонун қабул қилиш ташаббуси конституцион ҳуқуқидан фойдаланиб, омманинг ишончини қозониш йўли билан интилади.

### ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШНИНГ ШОШИЛИНЧ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Партия қуйидагиларни **ҳеч кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар,** деб ҳисоблайди:

Биринчиси. Шу йил мустақил давлатлар сифатида жумҳуриятларнинг иттифоқи тўғрисида қатъий ихтиёрийликка, ўзаро манфаатга, миллий ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлигига асосланган янги шартнома тузиш, унда жумҳуриятларнинг ўзига хос хусусиятлари ва эҳтиёжларини ҳам, шунингдек умуман Иттифоқнинг манфаатларини ҳам ҳисобга олиш.

Иккинчиси. Ижтимоий-иқтисодий соҳада 1,5-2 йил мобайнида:

— иқтисодиётни истеъмол сектори томонга тезроқ буриб юбориш, омилкорлик ташаббусини, чет эллардан мол харид қилишни ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан истеъмол, аввало озиқ-овқат бозорини тартибга солиш; эркин нарх белгиланишига ўтиш чоғида энг зарур бир қанча молларнинг қатъий нархларини сақлаб туриш;

— молия, кредит ислоҳотини ўтказиш, аҳоли орасида акциялар тарқатиш, моддий бойликларнинг ортиқчасини, уй-жойни сотиш, аҳоли омонатлари юзасидан бериладиган муздларни кўпайтириш, келгусида сотиладиган моллар учун заёмлар тарқатиш, давлат бюджетининг камомадини имкони борича озайтириш;

— мудофаа чиқимларини, самарасиз капитал маблағ сарфланишини, бошқарув аппаратини сақлаш харажатларини оқилона қисқартириш, ташқи иқтисодий алоқаларни тартибга солиш ҳисобига энг зарур ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажаришга қўшимча пул ажратиш;

Иттифоқ, жумҳурият ва маҳаллий бюджетлар, корхоналар, кооперативларнинг маблағлари, аҳолининг жамғармалари ҳисобига, енгил шартлар билан қарз бериш ҳисобига уй-жой қурилишини анча кўпайтириш;

— халқнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашга оид самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлашга қўшимча маблағ ажратиш, корхона ва хўжалик бирлашмаларининг, жумҳурият ва маҳаллий Советларининг маблағидан шу мақсадлар учун фойдаланиш;

— экологик ва табиий офатга учраган районларга фавқулодда ёрдам бериш, табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини рағбатлантиришнинг самарали воситаларини вужудга келтириш;

— аҳолининг мажбуран кўчиб юриши олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, қочоқлар учун ижтимоий мақом қабул этиш, уларга зарур ёрдам бериш.

Учинчиси. Интизом ва ҳуқуқ-тартиботни қатъиян мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни ва қонун бузишларнинг олдини олишни кучайтириш. Пинҳона иқтисодиётга қарши курашмоқ учун мавжуд барча — иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий воситалардан фойдаланиш. Инқироздан чиқишга оид шошилинч тадбирларни амалга ошириш учун ҳуқуқий пойдеворни таъминлайдиган қонунларни зудлик билан қабул қилиш ва уларни амалга ошириш омилларини ишлаб чиқиш.

### ИНСОННИНГ ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Партия совет кишисининг муносиб турмуш шароитларини таъминлашни ўз сиёсатининг марказий стратегик вазифаси, деб ҳисоблайди.

**Инсоний ҳуқуқлар ва эркинликлар**. Партия:

— инсоннинг халқаро тан олинган нормалар даражасидаги ҳуқуқлари рўёбга чиқарилиши;

— миллий-этник, сиёсий, диний белгиларга, жинси ва ёшига қараб ҳар қандай камситиш истисно қилиниши;

—фуқаронинг шахси ва қадр-қиммати, унинг уй-жойи ва мол-мулки дахлсизлиги, касб танлаш, яшаш жойини танлаш, мамлакатдан чиқиш ва унга кириш эркинлиги, ёзишма ва телефон сўзлашуви махфийлиги, сўз, матбуот ва ахборот эркинлиги қонун йўли билан пухта ҳимоя қилиниши;

— инсоннинг ўз дунёқарашини, маънавий манфаатларини ўзи эркин белгилаши, виждон эркинлиги;

— фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда суд ва жамоат ташкилотларининг мавқеи оширилиши тарафдоридир.

**Меҳнат ва фаровонлик**. Ҳалол меҳнат — жамият ва ҳар бир инсон фаровонлигининг асосидир. Партия:

— меҳнат қилиш, унинг пировард натижаларига қараб ва ҳеч қандай чекламай адолатли ҳақ тўлаш таъминланиши; текисчиликни, боқимандаликни бартараф этиш, ғайриқонуний даромадлар ва имтиёзлар бутунлай тугатилиши;

— касби-кор ўргатишнинг мослашувчан, замонавий тартиби вужудга келтирилиши;

— иш жойида соғлом ва хавфсиз шароит яратилиши, меҳнат унумдорлиги ўсишига қараб отпускалар кўпайтирилиши тарафдоридир.

**Ижтимоий кафолатлар.** Партия:

— кам даромадли ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг яхлит давлат, жамоат тартибини вужудга келтиришни, уларнинг иш ҳақи, пенсия ва нафақалар ҳисобига оладиган даромадлари даражаси тирикчилик учун белгилаб қўйилган энг оз миқдордан кам бўлмаслигига эришишни;

—ҳар бир кишига ижтимоий жиҳатдан кафолатланган даражада уй-жой берилишини, бепул илм олишни, медицина хизматидан, бошқа ижтимоий неъматлардан баҳраманд бўлишни таъминлашни, айни вақтда пулли хизматларни ривожлантиришни, уй-жой сотишни йўлга қўйишни;

— йирик соғломлаштириш ва профилактика режаларини амалга ошириш, соғлиқни сақлаш ва дори-дармон билан таъминлашнинг моддий-техникавий негизини тубдан яхшилаш асосида аҳолининг медицина ёрдамидан фойдаланиши ва бу ёрдамнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашни;

— хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш юзасидан катта-катта тадбирларни ўтказишни, уларга қисқартирилган иш кунида, ўзига қулай график билан ишлаш ҳуқуқини бериш, туғишдан олдинги отпуска ва бола тарбиялаш отпускаси, кўп болали ва ёлғиз оналарга қўшимча отпуска муддатини кўпайтиришни;

— болалар муассасаларини сақлаш ва ривожлантиришга ажратиладиган маблағларни кўпайтиришни; болаларга аталган моллар, экологик жиҳатдан соф озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллигини тугатишни; болаларга медицина хизматини яхшилаш, болаларнинг касалга чалиниши ва нобуд бўлишини камайтириш юзасидан ҳеч кечиктирмай чора-тадбирлар кўришни; кўп болали оилаларга давлат ёрдамини кенгайтиришни;

— ёшларнинг илк ижтимоий имкониятлари тенглигини, уларнинг касб-кори, сиёсий ва маданий ўсиши дадил истиқболларини таъминлашни, ёш оилаларга ёрдам бериш чора-тадбирлари ишлаб чиқишни;

— ногиронларнинг, ветеранларнинг, байналмилал жангчиларнинг, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг, Чернобиль атом электр станциясидаги авариядан ҳамда бошқа фалокатлар ва табиий офатлардан азият чеккан барча кишиларнинг аҳволини яхшилашни, уларга ижтимоий ва медицина хизмати даражасини оширишни; уларни уй-жой, моллар ва хизматлар билан таъминлашнинг махсус режаларини амалга оширишни таклиф қилади.

**Таълим, фан ва маданият.** КПСС таълим, фан ва маданиятни ривожлантиришни ўз сиёсатининг энг асосий йўналиши деб ҳисоблайди. Партия ижод эркинлигини муҳофаза қилиб, олий инсонпарварлик қадриятларини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. У маънавий соҳадаги маъмуриятчиликка, маданиятни, санъатни, таълимни ёппасига соф тижорат негизига ўтказишга қаршидир. Партия:

— таълим, фан, маданиятнинг моддий-техникавий негизини ҳар томонлама мустаҳкамлашга, бюджетдан бериладиган маблағни кўпайтиришга, аҳолининг маънавий камол топиши манфаатларини кўзлаб, турли ижтимоий ташаббуслар ва хайр-эҳсон қилишларни, чет эллар билан кенг ва эркин маданий-илмий ҳамкорликни рағбатлантиришга, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга;

— халқ таълимини ривожлантиришнинг, илмий муассасалар мустақиллигини кенгайтиришнинг давлат дастури ишлаб чиқилиб, қабул этилишига; бу соҳада машғул бўлган ходимларнинг моддий аҳволини яхшилашга, уларнинг ижтимоий мақоми ва ижтимоий ҳимояланишини оширишга;

— бир қанча соҳаларда Ватанимиз фанининг жаҳон даражасидан орқада қолишини бартараф этишга, фундаментал тадқиқотларга давлат маблағини кўпайтиришга; фан ва техникани ривожлантириш давлат дастурларини кенгайтиришга, илмий ютуқларни ишлаб чиқаришда ва ижтимоий турмушда ўзлаштиришга интилаверади. Партия илмий фаолиятининг замонавий тузилишларини ва уни ташкил этиш шаклларини ривожлантиришни рағбатлантиради, фандаги бюрократизм ва қариндош-уруғчиликни тугатишга интилаверади; фаннинг тажриба имкониятларини мустаҳкамлашга, кутубхоналар, ҳужжатхоналарни, ахборот техникасини ривожлантиришга кўмаклашаверади;

— аҳолининг барча табақалари маданий бойликлардан баҳраманд бўлишини таъминлашга, санъаткорнинг истеъдодини миллат бойлиги деб билиб, унга меҳрибонлик билан ёндашишга, СССР халқларининг маданий меросини ардоқлаб асрашга, ялпи эстетик маорифга, қишлоқнинг маданий қолоқлигини тугатишга;

— таълим, фан, маданият ва спорт соҳасидаги фаолиятни тартибга соладиган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул этишга ҳаракат қилаверади.

### САМАРАЛИ ИҚТИСОДИЁТ УЧУН

Ижтимоий тараққиётнинг ишончли заминини яратиш иқтисодий муносабатларни демократиялашни, одамларнинг ташаббуси ва амалий фаолиятига чинакам эркинлик беришни, юксак унум билан меҳнат қилиш омилларини ишга солишни талаб қилади. КПСС тақдим қилаётган иқтисодий тартибни қайта қуриш дастурининг моҳияти айни ана шунда.

**Хўжайин бўлайлик, меҳнатсеварликни қайта тиклайлик.** Партия мулкнинг хилма-хил ва тенг ҳуқуқли шаклларини вужудга келтириш ва ривожлантириш, уларнинг **ўзаро алоқалари** ва эркин беллашуви учун шароит яратиш зарур деб ҳисоблайди:

— Давлат мулки (умумиттифоқ, жумҳурият, коммунал мулк) расмий бюрократик мулкдан меҳнаткашларнинг ўзлари амалдаги қонунлар асосида бошқарадиган ижтимоий мулкка айлантирилади; меҳнаткашлар жамоаларига давлат корхоналари ва мулкини ижарага олиш, саноат, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини сотиб олиш ҳуқуқи берилади; корхоналарни ташкил этишнинг акционерлик шаклидан фойдаланилади;

— кооператив мулкининг, жамоат ташкилотлари мулкининг хилма-хил турлари, шунингдек мулкнинг аралаш шакллари ривожлантирилади;

— мулк шакллари таркибида халқ ҳаётини яхшилаш йўлида хизмат қила оладиган ва меҳнат билан топилган хусусий мулк ҳам ўз ўрнини эгаллаши керак.

КПСС ёппасига мулкларнинг давлатдан ажратилишига, мулкнинг бирор шаклининг мажбуран қабул қилдирилишига қаршидир.

**Бошқариладиган бозор сари.** Халқ хўжалигини бошқаришнинг умрини яшаб бўлган бошқариш маъмурий буйруқбозлик тартибининг муқобили бозор иқтисодиётидир. КПСС бозорга босқичма-босқич ўтиш тарафдори бўлиб:

— бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлайдиган қонуний ва ҳуқуқий нормалар ва воситалар ишлаб чиқишни тезлаштириш;

— мулк шаклларидан қатъий назар корхоналарга, барча товар ишлаб чиқарувчиларга мустақиллик, омилкорликда эркинлик бериш,улар ўртасида соғлом ва ҳалол рақобатни ривожлантиришга ёрдам бериш; давлат бошқаруви вазифаларини бевосита хўжалик фаолиятидан ажратиш;

— ишлаб чиқаришни, банк ва суғурта ишини, савдони, илмий ишланмаларни монополиядан холи қилиш; кичик ва ўртача корхоналар шохобчалари ривожланишини қўллаб-қувватлаш;

— бозор муносабатларининг давлат томонидан бошқарилишини фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, халқ хўжалиги структурасини кенг кўламда ўзгартиришга, фан-техника ва экология дастурларини амалга оширишга, жаҳон хўжалик алоқалари системасида мамлакат манфаатларининг таъминланишига қаратиш; магистрал транспорт, алоқа, энергетика соҳасида ҳамда мудофаа комплекси корхоналарида хўжалик ҳисоби қоидалари ва меҳнат жамоаларининг ўзини ўзи бошқариши қоидалари асосида ягона бозор доирасида давлат бошқарувини сақлаб қолиш;

— планлаштириш соҳасида иқтисодий ривожланишнинг стратегик истиқболларини ва давлат мақсадли дастурларини, иқтисодиётни, давлат буюртмалари, нарх, амортизация, божхона сиёсати орқали, солиқлар, қарзлар учун мужд ва шу сингарилар орқали билвосита ишлаб чиқишга ўтиш:

— сўмнинг айирбошланадиган пулга ўтишини, иқтисодиётнинг жаҳон бозорига монанд бўлишини таъминлаш, корхоналарнинг ташқи иқтисодий фаолияти учун қулай шароитлар яратиш; илғор технологияни жадал жорий этиш ва бозорни молларга сероб қилиш мақсадида чет эл капиталини жалб қилиш зарур деб ҳисоблайди.

**Бозор ва ҳимоя воситалари.** КПСС бозорга ўтиш шунчаки мақсад эмас, балки ижтимоий муаммоларни ҳал этиш воситаси эканлигини назарда тутиб ва бу ўтиш салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳисобга олиб:

— молларнинг ва хизмат кўрсатишнинг чакана нархлари қайта кўриб чиқилиши муносабати билан аҳоли кўрадиган зарар ўрнини қоплаш; истеъмол нархлари ўсишига қараб аҳоли пул даромадлари индексациясининг ўзгарувчан тартибини жорий этиш;

— иш билан бандлик даражасини, иш билан таъминлаш ва касбга қайта тайёрлашнинг таъсирчан механизмини яратиш; вақтинча ишсизлик, қайта тайёрлаш ва касбни ўзгартириш даврида нафақалар тўлашни жорий этиш;

— бозор муносабатларини тартибга солувчи қонунларга риоя қилиниши устидан жамоатчилик ва давлат назоратини таъминлашни таклиф қилади.

**Деҳқончиликка оид сиёсат.** Бу сиёсатда партия қуйидаги қоидаларга амал қилади:

— ерга халқ депутатлари Советларининг эгалик қилиш ҳуқуқи, давлат, жамоа хўжаликлари ва якка хўжаликларнинг ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи ҳимоя қилинади;

— шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий муносабатларда тенглик таъминланади;

— ерда хўжалик юритишга оид барча масалаларда бирор буйруқбозлик ва маъмуриятчиликка йўл қўйилмайди, деҳқон ўз ҳолига қўйиб берилади, ижтимоий — колхоз ва совхоз хўжалигини ҳам, янгитдан қарор топаётган шахсий, оила, ижара хўжаликларини ҳам ривожлантириш учун бир хил имкониятлар таъминланади;

— хўжалик юритишнинг барча шакллари талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда деҳқончилик саноат комплексининг моддий-техника замини устун даражада ривожланиши таъминланади;

— қишлоқлардаги ҳар бир аҳолига ёки қишлоққа бориб яшаш ва ишлаш истагини билдирган ҳар бир кишига ўз уйи ва томорқаси бўлишига имкон яратилади; қишлоқнинг ижтимоий ободончилиги яхшиланади, деҳқон меҳнати ижтимоий жиҳатдан жозибали ва иқтисодий жиҳатдан самарали меҳнатга айлантирилади.

### ЧИНАКАМ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТИ САРИ

**Инсоний жамият ва ҳуқуқий давлат.** Партия:

— инсон давлатни деб, давлат эса инсонни деб яшайдиган инсоний жамият тузилиши учун изчил курашади; барча ижтимоий гуруҳ ва жамоалар ўз манфаатларини ифодалаши ва ҳимоя қилиши учун қонун кафолат ва амалий имконият беради;

— қандайдир синф, партия, гуруҳ, бошқариш бюрократиясининг диктатураси истисно қилинадиган ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлаш учун курашади, барча фуқароларнинг давлат ва жамоат ишларида иштирок этишлари, ҳар қандай лавозимларни эгаллашларига имкон яратилади; давлат билан фуқаролар демократик йўл билан қабул қилинган қонуннинг сўзсиз устунлиги ва барчанинг қонун олдидаги тенглиги шароитида ўзаро масъулият билан боғлангандирлар;

— Конституция доирасида ижтимоий-сиёсий ташкилотлар эркин мусобақаси тарафдоридир;

— умумий, тўғридан-тўғри, тенг сайлов ҳуқуқлари қоидалари амалга оширилишининг тарафдоридир.

Биз демократияни фақат ҳуқуқ ва эркинлик деб эмас, шу билан бирга улар билан узвий боғланган фуқаролар масъулияти, қонунларга қатъий амал қилиш ва ўзини ўзи назорат қилиш деб тушунамиз.

**Ҳокимиятнинг** қонун чиқариш, ижроия ва суд ҳокимиятларига **бўлиниши** чексиз ваколатларни қўлга киритишдан, ҳокимиятни суиистеъмол қилишлардан сақлайди, ҳуқуқлар ва масъулият соҳаларини аниқ белгилаб олиш имконини беради. Партия:

— қонун чиқариш жараёнининг демократик ва очиқ бўлишининг; барча даражалардаги Советлар нормалар яратиш ва назорат қилиш вазифалари тўла амалга оширилишининг, уларнинг ишончли молия ва моддий замини шакллантирилишининг;

— Ижроия, фармойиш бериш органларининг фаолияти тўғрисида Советлар олдида ҳар йили ҳисобот бериб турилишининг; ижроия ҳокимияти фаолияти қонун доирасида жамоат назорати остида бўлишининг;

— суд ва прокуратура мустақил бўлиб, жамиятда уларнинг мақоми оширилишининг, судлов қонуни такомиллаштирилишининг, айбсизлик презумпциясига, одил судлов нормаларига ва ҳимоя қилиш ҳуқуқига қатъий риоя қилинишининг, ахлоқ тузатиш-меҳнат системаси таъсирчанлигининг; совет фуқаролигидан асоссиз тарзда маҳрум этиш актлари бекор қилинишининг;

— конкурс асосида шаклланадиган пухта, замонавий давлат аппарати тузилиб, у қонун доирасида ваколатли органлар ва жамоатчилик назорати остида бўлишининг тарафдоридир.

### МАМЛАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

Қуролли низолар хавфи ҳозирча бор экан, мамлакатга ишончли мудофаа керак. Партия:

— янги мудофаа доктринасига ва оқилона етарлилик қоидасига, ҳарбий қурилишда сифат кўрсаткичларининг устун бўлишига асосланган ҳарбий ислоҳот ўтказиш;

— мамлакат мудофааси ва хавфсизлиги, қуролли кучлар қурилиши, тайёргарлиги ва улардан фойдаланишга оид жиддий масалалар фақат ССР Иттифоқи ихтиёрида бўлишини сақлаб қолиниши;

— ҳарбий хизматчилар ва улар оилалари ижтимоий ҳимояси (ҳарбий хизматчилар ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш шулар жумласига киради)ни мустаҳкамлаш ва турмуш шароитларини яхшилаш;

— Армиядан қонунларга тўла мувофиқ равишда қатъий ўз вазифалари доирасида фойдаланиш; мудофаа соҳасига амалий сиёсий раҳбарлик қилиш ва ҳарбий идора фаолиятининг энг кўп даражада очиқ бўлгани ҳолда давлатлар ўртасидаги ишончнинг эришилган даражасини ҳисобга олиб, бу идора олий ҳокимият органлари назорати остида бўлиши;

— Қуролли Кучлардаги партия ташкилотлари ва коммунистлар орқали шахсий составга КПСС ғоявий таъсирини мустаҳкамлаш;

— ҳарбий корхоналарни халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган корхоналарга айлантириш давлат дастурини амалга ошириш ҳамда бўшаб қолган қувватлардан ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаган ҳолда фуқаролар учун керакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш зарур, деб ҳисоблайди.

Ички ишлар ва Давлат хавфсизлиги органлари ҳозирги шароитда конституцион тузумни ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлашнинг ҳаётий зарур мауассасаси бўлиб қолгани ҳолда қатъий қонун доирасида ва ҳокимият ваколатли органларининг назорати остида иш олиб боришлари керак. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг касб тайёргарлиги, моддий таъминоти даражасини ошириш лозим.

### МУСТАҚИЛ ЖУМҲУРИЯТЛАРНИНГ ЯНГИЛАНГАН ИТТИФОҚИ САРИ

**Халқларнинг ихтиёрий иттифоқи учун.** КПСС марказдан қочишга тамойилининг кучайишини ССР Иттифоқидаги халқлар ва миллий-давлат тузилмалари ўртасидаги ўзаро муносабатларни демократиялаш, барча регионлар иқтисодиётини ва ягона умумиттифоқ бозорини муваффақиятли ривожлантириш асосидагина тўхтатиш мумкин, деб ҳисоблайди. Партия миллатларнинг то ажралиб чиқишгача бўлган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тан олади, лекин СССРдан чиқиш ҳуқуқини бундай чиқишнинг мақсадга мувофиқлигидан фарқ қилади. Партия халқларнинг ўз манфаатларидан ҳамда жаҳондаги жараёнларнинг бирлик сари тамойилидан келиб чиқиб, ривожланиб борувчи кўп миллатли давлат сифатида янгиланган Иттифоқ яхлитлигини сақлаб қолиш муҳим деб ҳисоблайди. КПСС мамлакат барча миллат ва элатларининг дўстлиги ва байналмилал бирлиги тарафдоридир.

Партия иттифоқдош жумҳуриятлар мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлини ўтказаверади. У жумҳуриятларнинг ўзаро ва умуман Иттифоқ билан алоқаларининг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан серқирра бўлишини, уларнинг хўжалик соҳасидаги ўзаро муносабатлари корхоналарнинг иқтисодий мустақиллиги асосида хилма-хил бўлишини таклиф қилади.

КПСС автоном жумҳуриятлар, автоном вилоятларнинг ва округларнинг конституцион мақомини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш тарафдоридир.

Партия барча миллат ва элатларнинг ривожланиши учун қулай шароитларни таъминлаш зарур деб ҳисоблайди:

— маъмурий-территориал мақомга эга бўлмаган маданий-миллий жамоаларнинг ҳуқуқий кафолатлари, уларнинг ССР Иттифоқи ва жумҳуриятлар давлат ҳокимияти органларига қонун лойиҳаларини тақдим қилиш, уларда ваколат нормасига эга бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамланади;

— кам сонли халқлар яшаш муҳитини сақлашга, нормал ривожланишни таъминлайдиган шароитларни яхшилашга ёрдам берадиган шошилинч иқтисодий, ҳуқуқий, экологик тусдаги тадбирлар кўрилади;

— ўтмишда яшаб турган жойидан кўчирилган кишиларни тарихий Ватанига ва анъанавий яшаш жойига кўчиб келиш ҳуқуқи, шунингдек фуқароларнинг чет элдан ўз тарихий Ватанларига қайтиб келиш ҳуқуқи тасдиқланади.

**Инсон ҳуқуқлари ва миллатларнинг ҳуқуқлари.** КПСС:

— ҳар бир кишининг ҳуқуқлари устунлигини ва улар оғишмай, сўзсиз таъминланишини тан олган ҳолда, миллатлар ҳуқуқларини кенгайтириш тарафдоридир;

— фуқароларнинг миллий мансублигига кўра ҳуқуқий тенгсизлигига йўл қўядиган бирор ҳуқуқий норма ёки қонун бўлишига қарши чиқиб, шахсан ўз миллатини ўзи бемалол, эркин белгилаши тарафдоридир;

— жумҳуриятларнинг ҳуқуқий нормалари ва қонунларини қабул қилган вақтда аҳолининг барча этник-миллий гуруҳлари, маданий анъаналари ва манфаатлари ҳурмат қилинишининг тарафдоридир.

### ИНСОНИЯТНИНГ ТИНЧ РИВОЖЛАНИШИ САРИ

Партия СССРнинг ташқи сиёсий стратегияси тинчлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, тараққиёт ва инсонпарварлик ғояларига асосланиши керак; ички қайта қуришимиз жараёнларига, халқаро барқарорликни таъминлашга ҳар томонлама кўмаклашиш лозим, деб ҳисоблайди.

**Ташқи сиёсат йўналишлари.** Партия ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида:

— халқаро муносабатларда муваффақиятли бошланган демилитарлашни ғайрат билан давом эттириш; қуроляроғларни ва қуролли кучларни оқилона мудофаа етарлилиги даражасигача қисқартириш; жаҳон практикасидан куч ишлатиш ва дағдағани тамомила бартараф этиш; ҳарбий қарама-қарши туришни янада камайтириш, сўнгра эса тамомила бартараф этиш;

— низолар ва халқаро беқарорликнинг олдини олиш учун барча томонлар манфаатларининг тенглиги асосида жаҳоншумул ва регионал хавфсизлик тузилмаларини яратиш;

— давлатлар ўртасидаги муносабатларда ижтимоий-сиёсий йўлни танлаш эркинлигига, суверенитет ва мустақилликка, жаҳондаги барча мамлакатлар билан ҳамкорлик ва шерикликни ривожлантиришга кафолат берадиган гарантиялайдиган ҳуқуқий негиз яратиш;

— Совет-Америка муносабатларини янада нормаллаштириш ва бу муносабатларни амалий шериклик йўлига ўтказиш; Умумевропа жараёнида ташаббускорлик билан қатнашиш ва Европанинг тарихан ажралганлигини бартараф этиш; Шарқий Европа мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликнинг янги шаклларини ривожлантириш; ХХР билан муносабатларда ижобий тамойилларни ҳар томонлама мустаҳкамлаш; Осиё—Тинч океани регионини тинчлик ва ҳамкорлик минтақасига айлантириш мақсадида бу регионда фаол сиёсат ўтказиш; регионал низоларни сиёсий йўл билан ҳал этишда қатнашиш; қўшилмаслик ҳаракати билан ҳамжиҳатлик, ривожланаётган мамлакатлар билан ҳамкорлик тарафдоридир.

**Янгича халқаро ҳамкорлик сари.** Партия инсоният олдида турган умумий муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамжамият барча аъзоларининг куч-ғайратларини бирлаштиришни ҳаётий зарурат деб ҳисоблайди.

Партия:

— табиат муҳитини соғломлаштириш ва экологик фалокатнинг олдини олиш соҳасида биргаликда фаол ҳаракат қилиш;

— дунёнинг турли қисмларида очарчилик, қашшоқлик, оммавий касалликлар, оғир дардлар, гиёҳвандлик, халқаро терроризм, ривожланишдаги инқирозли номутаносибликларни бартараф этиш соҳасида халқаро ҳамжамият сарфлайдиган куч-ғайратларда мамлакатимизнинг иштирок этиши;

— жаҳон хўжалик алоқаларини жадал кенгайтириш, илмий-техникавий ва иқтисодий айирбошлаш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, инсонпарварлик алоқаларини ривожлантириш;

— регионал ва жаҳон кўламида инсониятнинг истиқболи учун тарихий масъулиятни ҳис қилаётган барча халқаро ташкилотлар билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик қилиш тарафдоридир.

КПСС ишчилар ҳаракатидаги тарихий нифоқни бартараф этиш, коммунистик, социалистик, социал-демократик, миллий-демократик партиялар билан, тинчлик, демократия ва ижтимоий тараққиёт тарафида турган барча ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш тарафдоридир.

### ПАРТИЯНИ ЯНГИЛАШ

Узоқ йиллар давомида маъмурий-буйруқбозлик тартибининг ўзаги бўлиб келган партиянинг ўзи жиддий бузилди. Ортиқча марказлаштириш, танқидий фикрнинг бостирилиши партия ички муносабатларига салбий таъсир кўрсатди. Бир қатор партия раҳбарларининг ғоявий ва ахлоқий бузилиши жуда катта зарар келтирди.

Съезд КПСС ҳукмрон партия сифатида мамлакатда вужудга келган аҳвол учун сиёсий ва маънавий жиҳатдан жавобгар эканлигини қайд қилади. Мамлакатнинг партия-давлат раҳбарияти йўл қўйган хатолар тўғрисида партиянинг ўзи рўй-рост айтди, сталинчиликнинг жиноятларини, инсон ҳуқуқлари қўпол бузилганлигини қоралади. Лекин съезд ўтмиш авлодга ҳам, ҳозирги авлодга ҳам мансуб бўлган софдил коммунистлар шанига асоссиз тўнкалаётган айбларга қатъиян қарши чиқади. Милионларча коммунистлар халққа беғараз хизмат қилдилар, фидокорона меҳнат қилдилар, Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги учун мардонавор жанг қилдилар. КПССда доимо илғор кучлар ҳаракат қилиб келди ва айни шу кучлар жамиятни қайта қуриш ташаббускори бўлдилар ва бу жараёнга бошчилик қилдилар.

КПСС сиёсий ва мафкуравий яккабошчиликдан, давлат ва хўжалик бошқариш органлари ишини қилишдан қатъиян воз кечади. Ўзгаришлар суръати КПССни ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг туб манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя қилувчи, инсоний жамият доирасида иш олиб борувчи чинакам сиёсий партияга тезроқ айлантиришни тақозо этмоқда.

### ПАРТИЯНИНГ ЖАМИЯТДАГИ РОЛИ

КПСС ўз амалий фаолияти, жамиятни ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга амалий ёндашуви билан бошқа ижтимоий-сиёсий кучлар билан эркин мусобақада сиёсий раҳбарлик ҳуқуқини ҳимоя қиладиган сиёсий ташкилотга айланаётир.

Партия қуйидаги вазифаларни бажаради:

**Назарий вазифа.** Жамият тараққиётининг объектив йўлларини илмий таҳлил қилиш, унинг истиқболига назарий баҳо бериш, турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини аниқлаш ва ҳисобга олиш асосида у социалистик янгиланиш стратегияси ва тактикасини, ижтимоий иқтисодий, сиёсий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади.

**Мафкуравий вазифа.** Партия ўз дунёқарашини ва маънавий қадриятларини ҳимоя қилади, ўз дастурий мақсадлари ва сиёсатини тарғиб қилади, фуқароларни ўз томонига ва ўз сафига жалб қилади.

**Сиёсий вазифа.** КПСС омма орасида, меҳнат жамоаларида кун сайин иш олиб бориб, ижтимоий ташкилотлар ва ҳаракатлар билан ҳамжиҳатликни йўлга қўяди, ҳамма босқичлардаги ҳокимият органларидаги мандатлар учун сайловларда кураш олиб боради ва ғалаба қозонган тақдирда тегишли ижроия органларини тузиб, парламент фаолиятини олиб боради, ўз сайловолди дастурини бажаради.

**Ташкилотчилик вазифаси.** КПСС ўз дастурий йўл-йўриқлари ва қарорларининг амалга оширилиши учун ташкилотчилик ишини олиб боради. Ходимлар билан ишлашда партия расмиятчиликдан, номенклатура ёндашувидан воз кечади. Давлат ҳокимияти ва бошқариши органларида кадрларга оид қарорлар қабул қилиш ваколати ана шу органларга тегишли бўлиб, партиянинг ўзида эса бу ваколатлар юқори идоралардан партия ташкилотларига, барча коммунистларга топширилади.

(Давоми тўртинчи бетда).

